

## «Naqshbandi Tourism Festival-2019» номли халқаро тадбир ўз якунига етди



11:05 / 07.11.2019 2623

Маълумки, жорий йилнинг 31 октябрдан 7 ноябргача Ўзбекистонда Малайзиянинг «Умумжаҳон Сўфийлар ташкилоти» билан «**HILAL TRAVEL**» сайёҳлик ташкилоти, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Ўзбекистон темир йўллари» ҳамкорлигида зиёрат туризми йўналишида «Naqshbandi Tourism Festival-2019» номли халқаро тадбир ўтказилиши режалаштирилган эди.

Ушбу ҳамкорликка мувофиқ юртимизга ташриф буюрган Малайзиянинг «Умумжаҳон Сўфийлар ташкилоти» нинг 185 нафар нақшбандия тариқати вакиллари Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз ва юртимиздаги бошқа муқаддас қадамжолар зиёратидан сўнг бугун 7 ноябрь куни Тошкент шаҳрига етиб келишди. Меҳмонларнинг навбатдаги зиёратлари шаҳримиздаги «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуасидан бошланди. Кўп сонли ҳисобланган зиёратчилар пешин намозини фазилатли шайх ҳазратлари номи берилган муҳташам масжидда адо этишди. Пешин намозидан сўнг «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуасидаги анжуманлар залига ташриф буюришди.















Сўнгра «**HILAL TRAVEL**» сайёҳлик ташкилоти бошчилигида тадбир ташкил этилди. Ушбу тадбир анъанага кўра, Қуръони Карим тиловати билан бошланди. Тиловатни юртимизнинг машҳур Қуръон ҳофизи Ҳасайнхон Яҳё Абдулмажид ўқиб берди.











Тақдимотдан сўнг «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди бош имом-хатиби, «Ҳилол-нашр» матбаа нашриёти ва «islom.uz» портали раҳбари Исмоил Муҳаммад Содиқ сўзга чиқди: У ўз нутқида узоқ-яқин юртлардан тасаввуф шайхларини мангу қўним топган маконларини зиёрат қилиш учун келган зиёратчиларга ўз миннатдорчилигини изҳор этди. Шундан сўнг дунёга машҳур олиму фузалолар, фан ва жамоат арбоблари мавъизалар қилишди. Анжуман сўнгида улуғ шайх олимлари ва уламолар ҳамда барча тадбир иштирокчилари дуои хайрлар қилишди.























Анжуман ўз ниҳоясига етгач, аср намози адо этилди, сўнгра «Naqshbandi Tourism Festival-2019» номли халқаро фестивалининг Ўзбекистон бўйлаб қилган саёҳатлари ўз якунига етди.

Маълумот ўрнида қайд этиш керакки ушбу халқаро фестиваль доирасида 15 давлат, жумладан Малайзия, Бангладеш Халқ Республикаси, АҚШ, Германия, Ҳиндистон, Индонезия, Хитой, Франция, Албания Республикаси, Покистон, Сурия, Жанубий Африка Республикаси, Россия, Буюк Британия давлатларидан тахминан 200 га яқин зиёратчилар ташриф буюришди. Уларнинг орасида кўпгина жаҳонга машҳур олимлар, фан ва жамоат арбоблари, туристик ташкилот вакиллари ҳам борлиги қувонарлидир албатта.

Айтиш жоизки, бугунги кунда дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистондаги зиёрат туризмига хусусан, кўҳна шаҳарларимизни, юртимиздан етишиб чиққан фозилу уламолар, донишмандлар, машойихларнинг ҳаёти, асарлари ва илмий меросини ўрганишга ва ўз кўзи билан кўришга қизиқиши ниҳоятда баланд.

***Islom.uz портали таҳририяти***